



## КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАРИ

**Насруллаев Феруз Фурқатович**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0006-3951-0739

[feruz.nasrullayev@bk.ru](mailto:feruz.nasrullayev@bk.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқариши иқтисодиётни модернизация қилиш шароитига мослаштириш зарурати инновацион инфратузилмасини шакллантиришга қизиқишнинг кучайишига олиб келди, чунки истиқболларни аниқлаб, ривожланишнинг келгуси тенденцияларини олдиндан кўрмай, бозор шароитида тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг деярли иложи йўқ. Шу боис кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқариши инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш унга таъсир этувчи муҳим ички ва ташқи омиллар ёритилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, инновация инновацион ривожланиш, инновацион фаолият, иқтисодий баҳолаш, инновацион инфратузилма, инновацион лойиҳа, рақобатбардошлик.

## ВНУТРЕННИЕ И ВНЕШНИЕ ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ В ПРОИЗВОДСТВЕННОМ ПРОЦЕССЕ ПРЕДПРИЯТИЙ МАЛОГО БИЗНЕСА

**Насруллаев Феруз Фурқатович**

Самаркандский институт экономики и сервиса

**Аннотация.** В данной статье необходимость адаптации производства предприятий малого бизнеса к условиям модернизации экономики привела к усилению интереса к формированию инновационной инфраструктуры, поскольку практически невозможно определить перспективы и выработать меры по повышению конкурентоспособности отрасли в рыночных условиях, не предвидя дальнейших тенденций развития. В связи с этим освещены важные внутренние и внешние факторы, влияющие на разработку мер по развитию инфраструктуры инновационных услуг производства предприятий малого бизнеса.

**Ключевые слова:** малый бизнес, инновации, инновационное развитие, инновационная деятельность, экономическая оценка, инновационная инфраструктура, инновационный проект, конкурентоспособность.

## THE AFFECT OF DEVELOPING THE INNOVATIVE INFRASTRUCTURES IN SMALL BUSINESS ENTERPRISES BY INTERNAL AND EXTERNAL FACTORS

*Nasrullaev Feruz Furkatovich*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

**Annotation.** *In this article, the need to adapt the production of small businesses to the conditions of economic modernization has led to increased interest in the formation of an innovative infrastructure, since it is almost impossible to identify prospects and develop measures to increase the competitiveness of the industry in market conditions without anticipating further development trends. In this regard, important internal and external factors influencing the development of measures to develop the infrastructure of innovative services for small business enterprises are highlighted.*

**Keywords:** *small business, innovation, innovative development, innovative activity, economic assessment, innovative infrastructure, innovative project, competitiveness.*

### **Кириш.**

Иқтисодийнинг барча тармоқларида барқарор иқтисодий ўсишга ўтиш илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни рағбатлантирмасдан, янги технологияларни жорий этиш, кичик бизнес корхоналарининг барча фан ва техника соҳалари илмий-техник фаолиятини жадаллаштириш имконини бериши мумкин эмас.

Мамлакатимиз кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқариши субъектларини янги технологиялар асосида таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш борасида етарли тажрибага эга эмаслиги боис, хорижий мамлакатлар корхоналарини ривожлантириш инновацион стратегиясини шакллантириш борасидаги тажрибасини республикамиз шароитларига мослаштириш маълум даражада қизиқиш уйғотади.

Кичик бизнес корхоналарини технологик модернизация қилиш билан боғлиқ таваккалчиликлар даражасини пасайтириш мақсадида хорижий компанияларда «патентли таҳлил қилиш» воситаси қўлланилади. Патентли таҳлил қилиш механизми патент маълумотларини рақобат ахборотига ўзгартириш имконини беради, бу технологик тенденцияларни прогноз қилиш ва рақобатбардошликнинг янги технологияларга асосланган талаб этиладиган даражасини режалаштириш имконини беради.

### **Тадқиқот методологияси.**

Кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмасини ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллари мавзусидаги илмий мақолада илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Отажонов (2018) фикрича Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви билан, биринчи навбатда, унинг барқарор иқтисодий ўсиши учун инновациялар талаб қилинади.

Ламбен (2000) фикрига кўра, рақобат устунликлари-хизматларнинг ёки корхонанинг рақобатчилар устидан муайян устунликни яратувчи хусусиятлари ҳисобланади. Стендфорд тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилиб, стратегияни ишлаб чиқишда қўлланиладиган, рақобатбардошликни ошириш мақсадини кўзловчи GAP усули бу: миссиядан то муайян лойиҳагача турли даражалардаги ва

мураккабликнинг турли даражасидаги бизнес муаммоларини батафсил ва изчил таҳлил қилишни назарда тутувчи LOTS усулидир.

Синдаров (2010) фикрича Ўзбекистонда модернизация қилишнинг ўзига хос томони шундаки, у нафақат иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишга, балки иқтисодийни инновацион ривожлантириш учун янги институционал муҳитни шакллантиришга қаратилган.

Низамов (2008) фикрича Кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқариши фаолиятини SWOT- таҳлил воситасида баҳолаш долзарб аҳамият касб этибгина қолмасдан, методологик нуқтаи назардан тўғри ҳисобланади.

Томпсон, Стрикленд, (1998) фикрича SWOT- таҳлил минтақаларда кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқаришини ривожланишини тартибга солиш жараёнида у ёки бу минтақа учун ривожланишнинг иқтисодий стратегиясини шакллантириш муҳим омил саналади.

Рашидова (2010) фикрича кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқаришида инновацион лойиҳаларини баҳолаш, лойиҳавий бошқарув ёндашувининг асоси нақд пул оқимининг баҳолаш тамойили ҳисобланади.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқариши инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш унга таъсир этувчи муҳим ички ва ташқи омиллар йиғиндисининг таъсирини баҳолашга асосланиши ҳамда тармоқ корхоналарининг бозордаги рақобат жиҳатдан устунликлари, молиявий барқарорлиги ва инвестицияли жозибдорлигини таъминловчи асосий таркибий қисмлари мажмуини аниқлаш имконини бериши лозим (1-расм).


Қуйидагилар кичик бизнес корхоналаридаги инновацион хизматлар инфратузилмаси субъектларининг ҳозирги вазиятини тавсифловчи кўрсаткичлар бўлиши мумкин:

ташкilotнинг самарадорлиги -унинг белгиланган мақсадларга эришиш даражаси;  
тежамкорлик-ресурслардан фойдаланиш даражаси;  
фойдалилик-даромад билан харажатлар ўртасидаги нисбат;  
самарадорлилик-рентабеллик орқали ифодаланган кўрсаткич;  
бозор улушининг ўзгариши (ортиши ёки камайиши) ва б.

Инновацион инфратузилмани миқдорий мезони қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин:

хизматлар ҳажми ортиши;  
харажатлар даражаси ва хизматлар самарадорлиги;  
кадрларнинг қўнимсизлиги; капитал учун фойда;  
меҳнат унумдорлиги ва б.  
Сифат мезони қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:  
кадрларни танлаб олиш ва ўрнига қўйиш;  
хизматлар ҳажмини кенгайтириш;  
бозорни билишни чуқурлаштириш;  
таваккалчилик операцияларини истисно этиш ва б.

Янгилик киритиш, одатда, тажриба намунаси синовдан ўтказилгунга қадар ёпиқлигича қолади, шунинг учун патентли таҳлил қилишнинг асосий функцияси – корхона менежментини самарали стратегик қарорларни қабул қилиш учун етишмаётган ахборот билан таъминлашдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда патентли таҳлил қилиш корхонани бошқариш механизмининг модернизация қилиш унсури сифатида қабул қилиниши керак, чунки айнан у юз бераётган технологик ўзгаришларнинг асосий индикатори сифатида иштирок этади.



**1-расм. Кичик бизнес тармоқларида инновацион инфраструктурасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини танлаш тартиби**

Ушбу тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистонга татбиқ этиш алоҳида кичик бизнес тармоқларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги мақсадларга эришиш учун инновацион фаолиятни такомиллаштиришга йўналтирилиши лозим:

тармоқ корхоналарининг технологик даражаси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш;

ривожлантиришнинг рақобатбардош стратегиясини шакллантириш учун ишлаб чиқариш, илмий-технологик ва кадрлар салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш;

жаҳон даражасига мос келувчи асбоб-ускуналар, технология ва материаллар асосида ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш;

юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотнинг улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини такомиллаштириш;

импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан юқори технологик асбоб-ускуналар импортини оптималлаштириш.

Тадқиқот натижаларига кўра, кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш инновацион стратегиясининг амалга оширилиши қуйидаги асосий вазифаларнинг ҳал этилишини талаб этади:

ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш йўли билан таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш;

ички бозор эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида товар ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил этиш;

тармоқ экспорт салоҳиятининг барқарор ўсишини таъминлаш, маҳсулотнинг янги турларини сотиш бозорларини кенгайтириш;

янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат турларини кўпайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги ва бандликни ошириш;

харажатларни ва хизматларнинг таннархини изчил пасайтириш, шу асосда унинг рақобатбардошлигини ошириш;

ишлаб чиқариш ҳажми ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини оптималлаштириш, тайёр ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотнинг улушини босқичма-босқич ошириш;

замонавий қувватларни қуриш, эскирган ишлаб чиқаришларни тугатиш йўли билан саноат ва кичик бизнес тармоқларининг ишлаб чиқариш фондларини янгилаш;

тармоқда илғор инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш.

Инновацион фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни тадқиқ этиш нафақат фаолиятнинг ушбу соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш учун, балки инновацион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаб олиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, тармоқни инновацион фаолиятни кучайтириш ва инновацион ўзгаришларнинг интенсивлигини оширишга ундовчи амалий рағбатлантирувчи омиллар тизимини яратиш учун ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга. Инновацияларнинг самарадорлигини оширувчи ички омиллар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: раҳбарият ва ходимларнинг ташқи муҳитдаги иқтисодий, ижтимоий ва технологик ўзгаришларни ажратиш ва баҳолаш қобилияти; раҳбариятнинг узоқ муддатли истиқболни мўлжаллаб иш юритиши ва аниқ стратегик мақсадларнинг мавжудлиги; ривожланган ахборот тизимлари ва маркетинг тадқиқотлари, бозор тенденцияларини тадқиқ этиш ва баҳолаш қобилияти; янги бозор таклифларини узлуксиз излаш; янги ғояларни таҳлил қилиш ва амалга оширишни билиш.

Бундай ёндашув бир қатор афзалликларга эга бўлиб, улар орасида энг асосийлари - оддийлик ва амалиётда кенг қўллаш: ташқи муҳитни ва ички кучлар ҳамда ташкилотнинг заиф томонларини таҳлил қилиш (SWOT-таҳлил) стратегик режалаштиришнинг энг муҳим босқичи ҳисобланади.

Юқорида баён этилган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар кичик бизнес корхоналарида инновацион хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омилларни тадқиқ этиш нафақат фаолиятнинг ушбу соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш учун, балки инновация лойиҳаларини баҳолаш ва танлаб олиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, кичик бизнес соҳасини инновация фаолиятни ривожлантиришга ва таркибий ўзгаришларнинг самарадорлигини оширишга ундовчи амалий рағбатлантирувчи омиллар тизимини яратиш учун ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга. Самарқанд вилояти кичик бизнес корхоналарида инновацион хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлашда SWOT-таҳлил усулидан фойдаланилди (1-жадвал).



## 1- жадвал

## Самарқанд вилояти кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг SWOT -таҳлили

Кучли томонлари:	Имкониятлари:
<ul style="list-style-type: none"> <li>- кичик бизнес тармоқларида минтақавий инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши (молиявий, қонуний, институционал ва б.);</li> <li>- кичик бизнес тармоқларида ИТТКИнинг қатор соҳаларида юқори имий-техника салоҳиятининг мавжудлиги (Бизнес ва тадбиркорлик мактаблари.);</li> <li>- кичик бизнес тармоқлари таркибида экспортга йўналтирилган тармоқлар улушининг ижобий ўсиш динамикаси;</li> <li>- таълим хизматлари бозорида рақобат шароитларига мослаштирилган таълим тизимининг салоҳияти (асосий босқич, қулайлиги, қамрови кенглиги, касб-хунар коллежлари мавжудлиги )</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- хорижлик инвесторлар ва ҳамкорларнинг кичик бизнес тармоқларидаги минтақавий инновацион лойиҳаларда иштирок этиши;</li> <li>- кичик бизнес ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш учун импорт технологиялар трансферти механизмида олимларнинг иштироқи;</li> <li>- минтақаларда инновацияларни тижоратлаштириш, инновацион марказларни ташкил этиш бўйича хизматларни ривожлантириш;</li> <li>- кичик бизнес тармоқларида инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида кооперацияни ривожлантириш;</li> <li>- молиявий хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш учун имконият (ш.ж.венчурли молиялаштириш орқали)</li> </ul>
Заиф томонлари:	Таҳдидлар:
<ul style="list-style-type: none"> <li>- кичик бизнес тармоқларида инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожланиш даражаси пастлиги;</li> <li>- кичик бизнес тармоқларида ахборот-коммуникация хизматларини ривожлантиришнинг етарли эмаслигиваахборот тармоқларининг заифлиги;</li> <li>- бозор шароитларига кичик бизнесга доир фанларнинг заиф мослашуви;</li> <li>- технологияларни тижоратлаштириш соҳасида консалтинг хизматлари соҳасида мутахассислар етишмаслиги;</li> <li>- кичик бизнес тармоқларида инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантиришда хусусий сектор ва инвестицияларнинг даражаси пастлиги;</li> <li>- кичик бизнес томонидан маҳаллий инновацион маҳсулотларга талаб пастлиги;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ташқи ва ички бозорда кичик тармоқларининг рақобатбардошлиги камайиши;</li> <li>- таълим хизматларини айниқча кичик бизнеснинг инновацион соҳасида ривожлантириш даражасини етарли эмаслиги;</li> <li>- экспорт фаолиятида консалтинг хизматларини кўрсатиш тажрибаси етишмаслиги;</li> <li>- маркетинг хизматлари даражаси ва йирик бозорлар билан барқарор иқтисодий алоқалар етарли эмаслиги;</li> <li>- интеграциялашган ахборот тизимлари етишмаслиги ва кичик бизнес тармоқларида интернет-хизматлардан фойдаланиш.</li> </ul>

SWOT-таҳлил усулининг тадқиқотида қўлланилиши инновацион инфратузилмани ривожлантириш учун куч ва кучсизлик, ташқи таҳдидлар ва имкониятлар ўртасида боғланишни таъминлайди. Инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг SWOT-таҳлилини муваффақиятли қўллаш учун хавфларни ва имкониятларни очибгина қолмасдан, уларни ҳар бир аниқланган таҳдид ва имкониятни хатти-ҳаракатлар стратегиясида кўриб чиқиш қанчалик муҳимлиги нуқтаи назаридан уларни баҳолашга ҳаракат қилиш керак.

Иккинчи томондан, назаримизда, кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланишини ўрганишда омилларни батафсилроқ таснифлаш – ҳар бир омилнинг улар умумий йиғиндисидagi ўрнини аниқлаш мақсадида уларни биттадан кўп мезон бўйича алоҳида гуруҳларга ажратиш лозим. Кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқаришини бозор шароитида фаолиятининг барча соҳалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда биз барча омилларни қуйидаги тарзда таснифлашни таклиф этамиз:

хўжалик юритувчи субъектларнинг муҳитга мансублигига кўра: ташқи муҳит омиллари; тўғридан-тўғри таъсир этиш омиллари (мезо-муҳит омиллари); билвосита таъсир этиш омиллари (макро-муҳит омиллари); ички муҳит омиллари;

хусусиятига кўра: иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар;

прогноз қилиш имкониятларига кўра: прогноз қилинадиган; прогноз қилинмайдиган;

назорат қилиш ва бошқариш имкониятларига кўра: бошқариладиган; бошқарилмайдиган;

таъсир этишнинг давомийлигига кўра: бир марта таъсир этувчи; даврий равишда таъсир этувчи; доимий равишда таъсир этувчи.

### Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганимизда инновацион хизматлар бозорини тўлақонли шаклланиши ва фаолият юритиши учун давлат томонидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани ҳамда институционал асосларни шакллантириш талаб этилади. Худудларда эса масъул ташкилотлар, биринчи навбатда, маҳаллий ҳокимият идораларининг вазифалари инновацион хизматлар бозорининг фаолият юритиши учун зарур бўлган бевосита шартлар, хусусан зарур инфратузилмани яратилиши, инновацион товарлар ва хизматларни яратувчиларни ҳамда илмий, инновацион ишланмаларни бозорга олиб киритиш ва тижорат маҳсулотига айлантиришда иштирок этувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, мазкур товарлар ва хизматларга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқаришида инновацион хизматлар бозори шаклланиши учун зарур шароитлар ва инфратузилма жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бунда инфратузилманинг илгари мавжуд бўлмаган турларининг шаклланиши билан бир қаторда анъанавий шаклларининг ўзгариши ва янги шароитларга мослашиши кузатилмоқда, хусусан илгари асосан давлатнинг буюртмаси асосида фаолият олиб борган ҳамда унинг илмий ишланмалар ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўз иш дастурларини шакллантирган ташкилотлар эндиликда кўпроқ ишлаб чиқарувчилар, бизнес тузилмаларининг талабларига мослашишга интиломоқдалар.

Инновацион хизматлар бозорининг тўлақонли ривожланиши кўп жиҳатдан илмий ишланмалар яратишга ихтисослашган ташкилотларнинг нечоғлик шаклланиши ва самарали иш олиб боришидан ташқари, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва ташкилотларининг илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ва инновацион ишланмаларни яратишга қаратилган фаолиятига ҳам боғлиқ, чунки инновацион ишланмалар ва ғояларнинг асосий истеъмолчилари ҳисобланадиган мазкур субъектларнинг ўзлари яратган инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ҳаракатлари, одатда бошқа ташкилотлартомонидан яратилган бундай маҳсулотларни сотиб олиш ва татбиқ этишга қаратилган уринишлардан кўра тез ва осон кечади ҳамда камроқ маблағ ва ресурслар талаб қилгани боис, одатда аксарият ҳолларда қўллаб-қувватланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида кичик бизнес корхоналарида амалга оширилаётган давлат фан-техника сиёсати илмий салоҳиятни сақлаб қолиш ва унинг янада ривожланишини таъминлаб бериш, миллий ва худудий инновацион тизимларни шакллантириш, иқтисодиётда чуқур таркибий

ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилди. Мана шундай долзарб муаммоларни муваффақиятли равишда ҳал этиш инновацион хизматлар инфратузилмасини яратиш ва ривожлантиришни таъминлайдиган механизмларни шакллантириш билан боғлиқдир

#### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

Синдаров Ш.Э. (2010) *Экономический механизм использования инновационных процессов в предпринимательской деятельности Республики Узбекистан.* Автореф. дис. на соис. ученой степени канд. экон. наук. -Т.: ИЭ АН РУз, с.25.

Ламбен Ж.Ж. (2000) *Стратегический маркетинг.* /Пер. с франц. –СПБ.: Наука, 1996.с.389.; Минцберг Г., Альстренд Б., Шола стратегии. /Пер. с англ.- СПб.: Питер. с.336.

Низамов А.Б. (2008) *Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста.* Диссертация на соискани уч.ст. доктора экономических наук. -Т.: -С. 268.

Отажонов Ш.И. (2018) *Повышение эффективности организационно-экономических механизмов управления инфраструктуры инновационной деятельности.* Т.; Архитектурно-строительный институт. Автореферат диссертации доктора (DSc) экономических наук. с.77.

Рашидова Г. (2010) *Финансирование стартового этапа инноваций // Экономическое обозрение.* – Ташкент,- №3.- С.32-36.

Томпсон А.А., Стрикленд А.Д. (1998) *Стратегический менеджмент: искусство разработки и реализации стратегии.* -М.: Банки и биржи. ЮНИТИ. -С. 39.